Ушбу сонда:

2 — Бир Фармон шарофати — ЖАМИЯТНИНГ ҚОН ТОМИРИ

3 — Газетхон илтимосига биноан — МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА ТАВСИЯНОМА

4 — ПЕЛЕНИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИРГАН ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ



# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 22 феврал, чоршанба № 32 (2081)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ




Ш.СУЛТОНОВ олган сурат

Муборакдаги марказий қозонхона жамоаси бир кеча-кундузда 40 килокалория иссиқлик ишлаб чиқариб 25 минг аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу муваффақиятда қозонхона машинисти Тўхтамурод Норқуловнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У ўзига топширилган вазифани масъулият билан бажариб, жамоадошлари ҳурматига сазовор бўлмоқда.

*Сўз бердингми, бажар!*

## КАМЧИЛИКЛАР БАРҲАМ ТОПАДИ

***Меҳнат хавфсизлиги билан боғлиқ тасодифларнинг олдини олиш, бу масалага дахлдор мутасаддилар эътиборини жалб этиш касаба уюшма ташкилоти вазифаларидан саналади. Хўш, бу йўналишдаги билим ва кўникмалар етарлими? Меҳнат хавфсизлиги қоидаларини тадбиқ этишда жамоат ташкилоти ўрни қандай бўлаяпти?***

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Сирдарё вилоятида ташкил этилган ўқув-семинарда ана шулар хусусида сўз юритилди. Тармоқ таркибидаги корхоналар фаолият йўналиши ўта ҳушёрликни, етарлича билим ва кўникмага эга бўлишликни тақозо этади. Бажариладиган юмушларнинг аксарияти синчков назар ва уқув билан уддаланиши керак. Ҳар бир ходим бу йўналишда эҳтиёткор, муайян тажрибага эга бўлмоғи даркор. Шу боис меҳнат муҳофазасига дахлдор мутахассислар, жамоат назорати вакиллари ҳамда комиссиялар ишида мувофиқлик, изчиллик талаб этилади.

Тўғри, соҳа корхоналарида кўнгилсизликларнинг олдини олиш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларга барҳам бериш борасида анча-мунча ишлар қилинаяпти. Ўтган йиллар мобайнида йўл қўйилган хато ва камчиликлардан хулоса чиқариш, ходимларга хавфсиз иш шароити яратиб бериш фурсати етди. Шу боис ҳам Марказий кенгаш дахлдор ташкилотлар билан муайян келишувларга эришди. Чунончи, меҳнат муҳофазасига ажратиладиган маблағ миқдори 2005 йилга нисбатан 15 фоизга оширилиши, ҳар бир ходимга ўртача 142 минг сўм миқдоридаги маблағ ажратилиши кўзда тутилаётир. Хавфсиз иш шароити яратишга эътибор кучайтирилмоқда. Бу қуйидаги рақамларда ҳам ўз аксини топаяпти. 2004 йилда белгиланган 92 та тадбирдан 87 таси, 2005 йилда режалаштирилган 95 тадбирдан 91 таси амалиётда ўз ижросини топди. Кўриниб турибдики, бу борада юксалиш кузатилмоқда. Эндиликда бу ҳаракатни янада кучайтириш, режалаштирилган юмушларни муттасил адо этиш керак.

Тармоқдаги "Сирдарёэлектртармоқлари", "Фарҳод ГЭС", "Сирдарё ГЭС", "Гулистоннефтбазаси" унитар корхоналарида техника хавфсизлигига эътибор зарур. Семинар-ўқувда Марказий кенгаш меҳнат муҳофазаси бош мутахассиси Виктор Ничкасов, вилоят бош меҳнат техника инспектори Бобо Низомов, АСМ ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши меҳнат хавфсизлиги мутахассиси Муқимжон Солиев ва бошқалар касаба уюшма етакчиларининг ана шу йўналишдаги вазифа ва бурчлари хусусида сўз юритишди.

— Тармоғимизда меҳнат билан боғлиқ тасодифлар рўй бераётганидан кўз юмиб бўлмайди, — дейди соҳа ходимлари Марказий кенгашнинг вилоят бўйича вакили Тоҳиржон Умарқулов. — Семинар техника хавфсизлиги мутахассислари ҳамда касаба уюшма вакиллари билим ва кўникмаларини бойитди. Ўйлайманки, у ўз самарасини беради.

**Нурулла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## МУАММО ЕЧИМИ

Навоий вилоятининг бепоён қир-адирларида 1 миллион бошдан ортиқ қўй-қўзи, 10 минг бош туя ва йилқи боқилади. Ҳар йили икки минг тоннадан зиёд саноатбоп жун маҳсулотлари ва қарийб 200 минг дона қоракўл тери тайёрланади. Чўпонлар уларни кўпинча арзон гаровга сотиб юборишар эди.

«Навоийсавдо» акциянерлик жамияти ҳузурида «Олтин тери» кичик корхонаси ишга тушдию бу муаммо ечимини топди. Чўпонлар жун маҳсулотларини мазкур корхонага келишилган нархда сотадиган бўлди.

«Олтин тери» корхонаси жамоаси жорий йилда бу кўрсаткични уч бараварга оширишни мўлжалламоқда.

## ТАДБИРКОР АЁЛЛАРГА ЁРДАМ

***«Тадбиркор аёл» вилоят уюшмаси томонидан 300.000 сўмлик фоизсиз кредит туфайли бухоролик зардўз Робия Юнусованинг ишлари юришиб кетди. Кредит ҳисобига ип, газлама ва бошқа зарур ашёлар харид қилиниб, буюртмаларни бажариш имконияти кенгайди. Хусусий корхонада меҳнат қилаётган зардўзлар сони яна тўрт нафарга ортди.***

Ўтган йилнинг ноябрида «Тадбиркор аёл» вилоят бўлими ишбилармон хотин- қизларни микрокредит билан таъминлаш бўйича тақдим этган бизнес лойиҳа пойтахтдаги «Меҳр нури» жамғармасининг аҳоли, айниқса, аёллар ўртасида ишсизликни камайтириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида муносиб эътироф этилиб, беш миллион сўм миқдоридаги кредит-мукофотга лойиқ кўрилган эди. Робия Юнусова вилоятда ана шу маблағдан баҳраманд бўлган тадбиркорлардан.

Молиявий кўмак ҳисобига хомашё харид қилган тадбиркор аёллар тикувчилик, зардўзлик, патдўзлик, каштачилик ва бошқа йўналишларда ўз бизнес режаларини амалга ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, улар кўплаб ёшларни шогирдликка олди, 33 та янги иш ўрни яратилди.

*Ўқув марказида*



## ҲАМКОРЛИК

### қишлоқ фуқаролари хизматида

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўқув марказида Андижон вилоят қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларининг "Касаба уюшмаларининг қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ўзаро ҳамкорлик фаолиятини ташкил қилиш" мавзусида ўқув машғулоти бошланди.***

Ушбу тадбир Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Ўқувда "Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш", Ўзбекистон Республикаси "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни, маҳаллалар бошқарувидаги муаммолар, миллий анъаналарни сақлаш ва ривожлантиришда қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан касаба уюшмалари қўмиталарининг ҳамкорлиги мавзусидаги бир қатор муҳим масалалар юзасидан мутахассислар ҳамда олимларнинг маърузалари тингланди. Турли ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди, барчани қизиқтирган саволларга жавоблар олинди.

Ўқув давомида пойтахтимиздаги фуқаролар йиғинлари фаоллари билан ҳам учрашувлар режалаштирилган.

Қўрғонтепа тумани, Султонобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси С.Отахонов шундай дейди:

– Республика касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган мазкур ўқув-семинар машғулотлари биз учун айни муддао бўлди. Олган сабоқларимиз ҳали кўп асқотади. Хусусан, қишлоқ аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш ва айниқса, иш билан таъминлаш, таътилга чиқариш ва соғломлаштириш масалаларини ҳал қилишда, шунингдек, ширкат хўжаликлари тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилаётган бир пайтда юзага келадиган муаммоларга ечим топишда катта аҳамиятга эга.

Ҳадяхон Тожиматова, Жалақудуқ тумани Бештол қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

– Ўқув машғулотларини тинглаб, ҳозирги даврда касаба уюшмалари билан қишлоқ фуқаролар йиғинлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш катта наф келтиришига амин бўлмоқдаман. Машғулотлар ниҳоясига етиб, ўз иш жойларимизга боргач, олган билимларимизни, албатта, амалиётда қўллаймиз. Келгусида миллий анъаналарни ривожлантиришда касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз бизга фойда келтиришига бўлган ишончим ортди.

**Раҳимжон ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



И.ҲАСАНОВ олган суратлар

*Касаба уюшма ҳаёти*

## ТАЛАБАЛАР СИҲАТГОҲИ

***Фарзандларимиз биздан кўра билимли, ақлли, кучли ва албатта, бахтли бўлишлари шарт. Юртбошимизнинг бу сўзлари ва бу борада қўйган талаблари ҳар қадамда ўз исботини топиб бормоқда. Биргина мисол. Ўқув юртлари, юзлаб мактаблар билан бир қаторда шаҳар ва қишлоқларда ўнлаб ўйингоҳлар, спорт клублари фаолият кўрсатмоқда ва улар эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшларнинг ҳар томонлама камол топишлари учун хизмат қилмоқда.***

– Талабаларнинг танлаган соҳалари бўйича етук мутахассис бўлиб етишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Жумладан, уларнинг саломатлиги хусусида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиляпти, – дейди Наманган Давлат университети талабалар касаба уюшма қўмитасининг раиси Шермуҳаммад Бегматов. – Барча факультетлар ва босқичларда талабалар спортнинг кўпгина йўналишлари бўйича фаол шуғулланмоқда. Университетимиз қошида фаолият кўрсатаётган 25 ўринли талабалар сиҳатгоҳи улар ихтиёрида. Соғлиғида салбий ўзгариш сезган ва шунингдек, оилавий шароити мураккаброқ талаба бу ерда касаба уюшма йўлланмаси билан, ўқишдан ажралмаган ҳолда 12 кун хордиқ чиқариб, саломатлигини тиклаб олади.

Университет маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси талабалар сиҳатгоҳининг узлуксиз ишлаши, шарт-шароитнинг юксак талаблар асосида йўлга қўйилиши учун ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Кейинги уч-тўрт йил ичида санаторий фаолиятида бир мунча бўшашувчанлик кузатилган эди. Лекин университет раҳбарлиги янгилангандан сўнг кўп соҳада бўлгани каби ушбу йўналишга ҳам эътибор кучайди. Биринчи навбатда сиҳатгоҳни тубдан яхшилаш, талабаларнинг бу ерда саломатликларини тиклаб олишлари учун зарур бўлган қулайликларни яратиш бош вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилди. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши университет маъмурияти ва бошланғич ташкилотнинг ташаббусини қўллаб-қувватлади ҳамда шу мақсад учун керакли маблағ ажратилишига кўмаклашди. Бошқачасига айтганда, шу мақсад учун зарур бўлган маблағнинг тенг ярмини қоплаб берди. 46 миллион сўм сарфланиб, таъмирланган, зарур замонавий ускуналар билан жиҳозланган сиҳатгоҳ бугунги кунда мутлақо ўзгача кўриниш касб этди.

Ҳозир талабалар санаторийсига кириб қолсангиз, бу ердаги шароит ва қулайликларни кўриб, қувонасиз. Бинонинг чароғон зали бўйлаб салкам 40 метр узунликда гилам тўшалган. Хоналарга олдингиларга қўшимча равишда ўн жуфт йиғма каравот қўйилди. 20 ўринли маънавият хонаси барпо этилди. Бу ерда талабалар телевизор томоша қилишлари, газета-журналларнинг янги сонлари билан танишишлари, шахмат-шашка ўйнаб бу борадаги маҳоратларини такомиллаштиришлари, бадиий китоблар ўқиб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Маънавият хонаси билан ёнма-ён жойлашган кутубхонада бадиий асарлар, талабалар учун керакли илмий китоблар бор. Ошхона ҳам ҳавас қилса арзигудек. Бу ерда хилма-хил Европа таомларидан тортиб дармондориларга бой ўзимизнинг миллий овқатларгача тайёрланади.

– Биз учун энг муҳими, таом талабаларга ёқсин, уларнинг ёш организмлари янада кучга тўлиши, мустаҳкам бўлиши, касалликларга чалинмасликларига хизмат қилсин, – дея изоҳ беришди ошпазлар.

– Сиҳатгоҳни қайта таъмирлаб ишга солиш жараёнида қатор тиббий ускуналарни сотиб олдик ва бугунги кундаги муолажа жараёнида улардан кенг фойдаланмоқдамиз, -дейди бош шифокор Дилоромхон Камолова. — Чунончи, турли дори-дармонлар билан бир вақтда шам қўйиш, электрофарез ва электsecurityванна, "кварц" нури, уқалаш каби қатор муолажа усуллари қўлланилади. Тиш муолажаси хонаси ҳам бор. Бу ерда сунъий тиш қўйишни ҳам ташкил этганмиз.

Санаторийда бўлганимизда Қаҳрамон Кўчқаров, Соҳиба Худоёрова, Рустам Дадабоев, Шаҳноза Аҳмедова сингари ҳам муолажа олиб, ҳам ўқишни давом эттираётган талабаларни учратиб суҳбатлашдик.

– Саломатлигимизни мустаҳкамлаб олишимизга ёрдам берган университет маъмурияти, бизни йўлланма билан таъминланган касаба уюшма қўмитасига ўзимизнинг чин юракдан миннатдорчилигимизни билдирамиз, – дейишди улар.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси 2006 йил 24 феврал куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.***

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 23 феврал куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

*Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан*

## ЖАҲОН ТАН ОЛГАН ҲУНАРМАНДЛАР

***Кўҳна ва навқирон Марғилон миллий ҳунармандчилиги билан ҳам дунёга донг таратган. Ҳозир ҳам бу ерда ота-боболари анъаналарига содиқ қолиб, бу йўлни давом эттираётган ҳунармандлар кўп. Уларнинг бошини қовуштириб, мавжуд муаммоларини баҳоли қудрат ҳал этишда эса Ўзбекистон ҳунармандлар уюшмасининг шаҳар бўлими катта кўмак беряпти.***

- Ҳунармандларимизни ҳар томонлама ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратганмиз, - дейди мазкур бўлим бошлиғи Наримонжон Шодиев. - Ўтган йили уларга 50 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратдик. Бу йил эса 400 миллион сўмлик имтиёзли кредит беришни режалаштиряпмиз.

Уюшманинг 830 нафар аъзоси бор. Уларнинг кўпчилиги оила аъзолари билан ота-боболар касбини давом эттираётганини ҳисобга олсак, ҳунармандлар сони мингдан ошади.

Атлас тўқувчи усталар Турғунбой Мирзааҳмедов, Фазлиддин Дадажонов, Абдурасул Мирзааҳмедов, заргар Абдулҳамид Абдужабборов, читгар уста Солижон Аҳмадалиевларнинг маҳоратига бутун дунё тан бермоқда. Улар кўплаб жаҳон кўргазмаларида қатнашиб, ўзбек ҳунармандчилигининг ўзига хос қирраларини намойиш этиб қайтмоқда.

Абдуманноп Маъдалиев ҳам ёш ҳунармандлардан бири. У қандакорлик билан шуғулланиб келаётган сулоланинг бешинчи вакили. Мис идишларга нафис ва бежирим нақшлар солади. Марғилонга келган сайёҳлар албатта унинг маҳсулотларидан харид қилиб қайтишади. Унинг ўзи ҳам Германия, Франция каби давлатларда ўтказилган кўргазмаларда иштирок этган.

У айни чоғда саккиз нафар шогирдини қаватига олиб, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйига муносиб тўёна тайёрлаш ниятида астойдил изланяпти.

Марғилонлик ҳунармандлар йўқолиб бораётган ҳунармандчилик турларини, хусусан, атлас ва адрас тўқиш, заргарлик касбларини қайта тиклашга киришишган.

**(ЎзА)**

*Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак*

## ЁЛҒОШ БОБОНИНГ АНЖИРЛАРИ

Ривоят қилишларича, кўклам кунларининг бирида Султон Ҳусайн саройда ёлғиз ўтираверибб, зерикиб кетибди-да, анча вақтдан бери Мир Алишердан дарак бўлмади, бориб ҳолидан бир хабар олиб келай, деб дўсти яшайдиган маҳаллага йўл олибди. Бориб қараса, Мир Алишер енг шимариб боғда ишлаётган экан. Буни кўрган Султон Ҳусайн отидан тушиб, дўсти билан сўрашгач:

— Ҳорманг, дўстим! Нега шоирлар мажлисида кўринмай қолдингиз десам, боғбонликни пеша қилибсиз-да! — дебди.

Мир Алишер белбоғи билан пешонасидаги терни артар экан:

— Кўклам келса кўчат эк, деган экан машойихлар. Шу боғдаги қуриган олма дарахтларини қўпориб ташлаб, ўрнига уч-тўрт туп ёнғоқ экаяпман, — деб жавоб берибди.

— Эй дўстим-ей, қариган чоғингизда Сизга боғ қилишнинг нима кераги бор. Сиз билан мен ёшимизни яшаб, ошимизни ошаган бўлсак, бу ёнғоқларингиз қачон ҳосилга киради-ю, сиз қачон мевасидан ейсиз? Ахир мана шу боғдаги меваларнинг борига қаноат қилиб соя-салқинда тинчгина ғазал битиб ўтиравермайсизми?

— Дўстим, яхшидан боғ қолади, деган нақлни эшитмаганмисиз? Мен бу кўчатларни ўзим учун эмас, мана шу маҳалламиз кўчаларини чангитиб юрган болакайлар, балким уларнинг ҳам болалари учун экаяпман. Бир кун келиб, шу кўчатларнинг ҳар бири азим дарахт бўлиб ҳосил бера бошласа, одамлар унинг мевасидан тотиб кўришганда "Бу боғ Мир Алишердан қолган!" дейишса, шунинг ўзи мен учун ҳар қандай неъматдан лаззатлироқдир, — деб жавоб берибди.

Бу гапларни эшитган Султон Ҳусайн Мир Алишернинг саховатига қойил қолиб, унга бир ҳамён тўла тилла чиқариб берибди.

— Ана, кўрдингизми, дўстим! Экаётган кўчатларим ҳозирданоқ ҳосил бера бошлади, – дея кулиб қўйибди Мир Алишер.

Бу бир ривоят. Аммо унинг замирида нечоғли теран ҳақиқат борлиги аниқ. Бунга мисол буюк бобомиз Амир Темур ҳазратларининг Самарқандда яратган жаннатмонанд боғлари — "Боғишамол", "Боғибаланд", "Боғимайдон", "Боғидилкушо", "Боғижаҳонаро"...

Бугунга келиб саховатли заминимизда етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг довруғи етти иқлимга бориб етмоқда. Унинг яратувчилари миришкор боғбонлар меҳнатига тасаннолар айтгинг келади. Жиззах вилоятининг чўл ҳудудлари Дўстлик, Арнасой, Зафаробод, Пахтакор, Мирзачўл туманлари боғбон-фермерлари ўнлаб гектар майдонларда боғ барпо этишган. Арнасой туманидаги "Пангат" фермер хўжалиги далаларида ўтган йилнинг айни пахта йиғим-терим мавсумида бўлдим. Дала бошида барпо этилган боғ ва теракзорлар диққатимни тортди. Боғ оралаб юрган етмиш ёшлардан ошган нуроний отахон боғ четидаги сўрига бир пиёла чойга таклиф этди. Отахон билан узоқ суҳбатлашдик. Боғ оралаймиз.

— 1999 йили фермер хўжалигини ташкил этдик, — дейди Ёлғош ота Исроилов. — Мана шу жойда боғ яратдим. 230 туп ток, 40 туп анор, 40 туп анжир, минг туп терак кўчатлари экдим. Мана ҳосилга кирди. Оралаб, бемалол ўзингиз узиб еяверинг, тортинманг.

Ҳа, боғдан меваларни ўзинг узиб еганга нима етсин. Ёшлик пайтлари худди шундай қилардик. Отахон ўз боғида етиштирган мева-чеваларни бозорга олиб бориб сотмас экан. Қишлоқ болаларига, кам таъминланган оилаларга улашаркан. Фермер хўжалигида ишлаётган кишилар йил 12 ой ана шу боғ ҳосилидан баҳраманд бўларкан.

"Пангат" фермер хўжалигига Саида Исроилова раҳбарлик қилади. 35 гектар майдонда пахта, ғалла етиштирилиб, мўмайгина даромад кўрилаяпти. Барча техника воситаларига эга.

— Дала бошида боғ ва теракзор барпо этиб, тўғри қилган эканмиз, — дейди фермер опахон. — Беш ўғил, икки қизим бор. Барчаси уйли-жойли бўлишган. Бир этак невараларим бор. Эрта кўкламдан то кеч кузгача далада бўламиз. Ўғилларимнинг биттасига дала бошида шинамгина уй қуриб бердик.

Ана шундай боғбон-фермерлар чўлда кўплаб топилади. Арнасойлик Отабек Ғойибов, Рустам Ўтабоев, Абдусалом Холиқов, Дўстликдан Тўлан Дадажонов, Собиржон Шаҳанов, зафарободлик Келдибек Қудратов, пахтакорлик Норбой Эшматов... Санайверсак ҳали-вери тугамайди. Улар жуда кўп.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулоти ва узум етиштириш ҳамда уни комплекс қайта ишлашни ривожлантиришга, унинг самарадорлигини ва сифатини янада оширишга, зарур экспорт базасини яратишга хизмат қилади.

— Ушбу Фармон ва қарор биз боғбонларнинг айни дилидаги гап бўлди. Мана энди бемалол боғимизни кенгайтириш, қайта ишлаш цехларини қуриш имконияти яратилди, — дея севинчини яширолмайди Ёлғош бобо.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Бир Фармон шарофати*

# ЖАМИЯТНИНГ ҚОН ТОМИРИ

***Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган дастурида хотин-қизлар мустақиллиги, уларнинг фаол ижтимоий-ҳаётий позициясига эга бўлишларининг муҳим шарти эканлиги алоҳида кўрсатилган.***

Навоий вилояти хотин-қизлар қўмиталари фаолияти, энг аввало аёлларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш, жумладан, вақтинчалик иш ўринлари барпо этиш, касаначилик меҳнатини ташкил қилиш ва хотин-қизларни ишга жойлаштиришнинг бошқа шаклларидан фойдаланишга қаратилган. Бандлик дастурини амалга ошириш бўйича 2005-2007 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ мавжуд корхоналар қувватини ошириш, микрофирмалар тузиш, кичик ва оилавий бизнесни йўлга қўйиш орқали 45 мингта янги иш ўринлари юзага келади. Унинг 18 мингтаси хотин-қизлар учун мўлжалланган. Жорий йил бошидан бери меҳнат бўлимларига мурожаат қилган хотин-қизлардан 10 мингдан ортиғи ишга жойлаштирилди.

Аҳоли тиғиз яшайдиган Хатирчи туманида "Тадбиркор аёллар" уюшмаси ва республика савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда юздан зиёд аёллар касбга тайёрланиб, сертификатлар берилди. Навоийда ўтказилган меҳнат бозорида 103 киши, шу жумладан, 40 нафар хотин-қиз шаҳар корхона ва ташкилотларида иш билан таъминланди.

Хотин-қизлар ҳаётнинг барча соҳаларида — ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва фан соҳасининг ҳақиқий жонкуярларидир. Вилоятнинг Кармана туманида уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, бу борадаги муаммолар ечимини топишга алоҳида эътибор берилаяпти. Қадимдан ўзининг ҳунармандлик, зардўзлик, чеварлик ҳунарлари билан жаҳонга машҳур бўлган бу муқаддас заминда юзлаб тадбиркор аёллар етишиб чиқди. Бу нафақат аҳоли бандлигини ошириш, балки оилалар бюджетини ва дастурхон тўкинлигини таъминлашга хизмат қилаяпти. Туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан 40 та кам таъминланган оилага 3 мингта товуқ бепул тарқатиб берилди. "Варқ" маҳалласида тузилган Фотима Иброҳимова раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги томонидан Янгиариқ қишлоқ фуқаролигига боқиш учун 300 та парранда берилди.

Қодир Раҳимов номли хўжаликдан 3 гектар ер олиб, мевазор боғ яратган Фотима қўли гул аёлларни ўз атрофига тўплаган. Шарофат Раҳматова бошлиқ "Исмат бобо" фермер хўжалиги 10 гектар майдонда пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштирди. Хўжаликнинг бўш ётган клуби таъмирланиб, маҳаллий қизларга халқ оғзаки амалий санъати сирларини ўргатиш учун ўқув маркази ташкил этилди.

Уйрот қишлоғида яшовчи Майрам Аъзамова бешик ва сандиқ тайёрлашни йўлга қўйди. Тошкентдаги "Машҳура" ўқув марказида малакасини ошириб, Навоий шаҳрида халқ ҳунармандчилиги цехларини ишга туширди. Туман маркази ва Ибн Сино номли ширкат хўжалигида сартарошлик, тикувчлик ва қандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар ташкил этилиб, 100 дан ортиқ хотин-қиз ишга жалб этилди.

Пиллани қайта ишлайдиган Ўзбек-Сингапур қўшма корхонаси, Маликробод қўрғонидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фойдаланишга топширилгач, янгидан 800 та иш ўрни очилди. Завод цехларида 400 нафар касб-ҳунарли қизлар ишлаши режалаштирилган. Бултур туман бўйича 500 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилган бўлса, кейинги икки йилда уларнинг сони беш бараварга кўпайди. Қишлоқ жойларида яшайдиган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошмоқда. Ўз оиласини муқаддас билиб, фарзандларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаётган онахонларимиз билан фахрланамиз. Қарийб ярим асрдан бери "Томди" ширкат хўжалиги яйловларида чўпонлик қилаётган Баян опа Бекмуродова ана шундай қалби дарё, меҳри дунё аёллардан бири.

Овулдошлари ўртасида "Чўл маликаси" деб ном олган Баяной турмуш ўртоғи Абдулла Тулепов билан 5 нафар ўғил-қизни тарбиялаб, вояга етказди. Айни пайтда ўнлаб бир-биридан ширин набиралари бор. Намунали оила бекасининг асосий вақти яйловда ўтишига қарамасдан болалар тарбияси билан шуғулланишга ҳам вақт топади. Отаридаги 670 бош совлиқнинг ҳар юзидан 120 тадан қўзи олиб, қоракўл тери ва жун тайёрлаш шартнома режаларини ошириб бажарди. Умумий ҳисобда 10,5 миллион сўм даромад олинган бўлса, унинг 4 миллиони иш ҳақи, мукофот, қўйқўзи ва дивидент сифатида оила аъзоларининг ўзига қайтиб келди. Шаҳар марказидан юзлаб километр олисда яшаб меҳнат қилаётган чорвадор оиласи бахтли ва фаровон турмуш кечирмоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир*

***Таълимни ислоҳ қилиш мазкур тармоқ вакилларининг ижтимоий-иқтисодий ва касбий кафолатларини таъминлаш масалалари билан уйғун равишда олиб борилмоқда. Бу жараён тармоқ касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг негизи бўлиб, бозор иқтисодиёти даврида ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида иш юритиш, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларини тўлақонли жорий этиш, таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш каби долзарб вазифаларни қамраб олган.***

# ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ МАКТАБЛАР

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Жиззах вилоят кенгаши халқ таълими ҳамда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим бошқармалари билан ҳамкорликда педагог ходимлар ва талаба-ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси, уларнинг меҳнат ва таҳсил олиши учун шароит яратиш ҳақида қайғурмоқда.

Вилоятда 544 та умумий ўрта таълим, 191 та мактабгача, 23 та мактабдан ташқари муассасалари ва 1 та "Меҳрибонлик уйи" фаолият кўрсатмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларида 255 минг 513 нафар ўқувчилар бўлиб, уларга 19 минг 720 нафар ўқитувчилар таълим-тарбия бериб келишаётир. Вилоятдаги 18 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ташкил этилган тўгаракларда 9852 нафар ўқувчилар шуғулланишмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан умумий ўрта таълим тизимини тубдан яхшилаш, энг юксак замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-моддий базани ҳамда таълим стандартларини шакллантириш, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий-техника базаси, жиҳозланишдаги тафовутларини босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларни ўқитиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида сўнгги икки йилда муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2004 йилда 4 та мактаб янгидан қурилди, 7 та мактаб капитал ва 14 таси жорий таъмирланди. Ўтган йили эса 4 та мактаб фойдаланишга топширилди, 24 таси капитал реконструкция қилинди, 37 таси капитал таъмирдан чиқарилди. Қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари учун жами 7 миллиард 300 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Бултур таълим муассасаларини мебел, ўқув-лаборатория асбоб-ускуна ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун 1 миллиард 122 миллион 697 минг сўмга шартнома тузилди. Ҳаммаси бўлиб мактабларга 1 миллиард 583 миллион 463 минг сўмлик ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва бошқа жиҳозлар олинди. Барча ишга туширилган мактаблар жойлардаги 5-7 кишидан иборат тузилган жамоатчилик комиссиялари томонидан қабул қилиб олинди. Улар таркибига жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари ходимлари ҳам аъзо этиб киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида барча меҳнат жамоаларида жамоа шартномаларининг мажбурий тузилиши кўрсатилган бўлиб, ижтимоий ҳамкорлик механизмларини ҳар бир таълим ва фан муассасаларида жорий қилишга аниқ имконият беради. Унга биноан, жамоа келишувлари ва шартномаларида кенг қамровли масалаларни белгилаш мумкин. Айни чоғда тармоқ касаба уюшмаси таркибида 794 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, шулардан 153 таси юридик мақомга эга ташкилотлардир. Уларда 14 та ҳудудий келишув, 172 та жамоа шартномалари қабул қилинган. Улар орқали 56 минг 498 нафар ходимларнинг ҳимоя қилиниши назарда тутилган. Жамоа шартномаларининг барчасида ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини албатта олиш талаби киритилди. Шунингдек, касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларнинг дам олишлари ва соғлиқларини мустаҳкамлаш, спорт, маънавий ва маърифий масалалар ҳамда меҳнат муҳофазасига алоҳида аҳамият берилган. Вилоятдаги 2 та олий ўқув юрти ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида, аксарият умумий ўрта таълим мактабларида имкон даражасида моддий рағбатлантиришлар, устама ойлик маошлар бериб турилибди.

Ўтган йили таълим ходимларидан 302 нафарига мамлакатимиздаги турли сиҳатгоҳларга 43,9 миллион сўмлик йўлланмалар ажратилди. Ходимларни соғломлаштириш учун ижтимоий суғурта ҳисобидан 29,4 миллион сўм сарфланди. Кам таъминланган, касб касаллигига чалинган, ногирон, пенсионер ходимлардан 30 нафарига бепул йўлланмалар берилди. Ушбу мақсадлар учун касаба уюшма ташкилотлари томонидан 4,2 миллион сўмлик маблағ йўналтирилган. 63 нафар кам таъминланган педагог ходимлар оиласига касаба уюшма ташкилотлари томонидан 632 минг сўмлик дори-дармон олиб берилди. 28 та ўқув муассасасида 32 нафар ходимнинг таътил куни узайтирилди. Бу мақсад учун 1,7 миллион сўмлик маблағ сарф этилди. Шунингдек, таълим ходимларидан 142 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди.

**Н.БЎРИЕВ**



## «ХОРАЗМ-ПАЛАС» - ОЛТИН МЕДАЛ СОҲИБИ

***«Хоразм-Палас» меҳмонхона мажмуи ўтган йилги фаолияти натижалари бўйича жаҳон сайёҳлик бизнеси соҳасидаги энг нуфузли мукофотлардан бири - «Ишдаги юқори сифат учун» олтин медалига сазовор бўлди.***

- Ушбу мукофот тўғрисидаги хушхабар биз учун кутилмаган воқеа бўлди, - дейди меҳмонхона бош менежери Равшан Қурбонов. - Олинган расмий ҳужжатда маълум қилинишича, бу олтин медал мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор хорижий миссиялар, савдо ваколатхоналари, ахборот агентликлари тавсиялари ва чет эллик сайёҳлар билдирган фикр-мулоҳазалар асосида берилган. Шуниси қувонарлики, вилоятдаги биринчи уч юлдузли меҳмонхона тарихи ҳам халқаро аҳамиятга эга воқеа билан бошланган эди. 2002 йилнинг июнида, яъни мазкур меҳмонхонанинг очилиш кунида бу ерда бўлиб ўтган инвестиция анжуманида қарийб ўттиз давлатдан дипломатик миссия ва ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этди. Анжуманда вилоятда хорижий хамкорлар билан бир қанча қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида қатор савдо битимлари ҳамда шартномалар имзоланган эди.

150 кишига мўлжалланган «Хоразм-Палас»да ўтган йили беш минг нафар чет эллик сайёҳ меҳмон бўлди. Жорий йилда эса бундан икки баравар кўп сайёҳни қабул қилиш мўлжалланган. Бу ерда энг юқори жаҳон андозаларига жавоб берадиган шинам, шу жумладан «люкс» хоналардан ташқари замонавий бизнес-марказ, сувни тозалаш, иситиш ва ҳаво ҳароратини бир хилда сақлаш тизимлари мавжуд. Энг асосийси, меҳмонхонамизда энг юқори савияда хизмат кўрсатилади.

**(ЎзА)**

***Когон шаҳридаги темирйўлчилар маданият саройида туман ҳокимиятининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими томонидан меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда тумандаги 27та корхона ва ташкилотлар 111та бўш иш ўринлари билан иштирок этди.***

## БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

- Аввалги ярмаркада бизга мурожаат қилган 210 нафар фуқаронинг 45 таси ишга жойлаштирилди, 25таси ижтимоий муҳофазага олинди, 140тасига ҳуқуқий маслаҳат кўрсатилди, - деди Когон туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Азамат Эшов. 2005 йилда ўтказилган меҳнат ярмаркалари ўз самарасини берди. Уларда тумандаги 36та корхона ва ташкилот лар бўш иш ўринлари билан қатнашди. Натижада 140 киши иш билан таъминланди. Жорий йилда, ўтган йил кўрсаткичларини янада кўпайтириш режалаштирилган. Мазкур бўлим ходимлари уларга иш сўраб мурожаат қилган фуқароларни янги ташкил этилган кичик ва қўшма корхоналарга ишга жойлаштиришни мақсад қилишган.

**«Туркистон-пресс»**

## ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

Тошлоқ туманида жами тўқсон тўртта қишлоқ мавжуд бўлиб, ҳозирда деярли уларнинг юз фоизи газлаштирилган. Жумладан, туман бўйича бундай хонадонлар сони 23737 тани ташкил этади. Ўтган йилнинг ноябр ойи ҳолатига кўра, аҳолини бир меъёрда табиий газ билан таъминлаш мақсадида деярли барча қишлоқларда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

"Тошлоқтумангаз" филиали бўйича туманда 51 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, бу ерда истиқомат қилувчи аҳолига ўтган 2005 йилнинг ўзида 536 111,6 минг сўмлик табиий газ сотилган бўлиб, ушбу давр мобайнида, айтиш мумкинки, табиий газ тушуми тўлиқ ундирилган.

Жумладан, туманда катта миқдорда қарздор бўлган хонадонлар қарздорлигини камайтириш мақсадида ишчи гуруҳлари ташкил этилган.

**Суратда: ишчи Анваржон Иминов.**

**Ш. ОЛИМОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

*Тадбиркорлик — давр талаби*

***Пешку ўзининг уддабурон тадбиркорлари билан Бухорода донг таратган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ёқуб Фаттоевни ҳатто океан ортида ҳам билишади. Туманда тажрибали фермернинг изидан бориб ибратли ишларга бош қўшаётган мулкдорлар кўпайиб бораётганлиги қувончли. Ишбилармон Шарофиддин Омонов ана шундай тиниб-тинчимас фидойилардан бири.***

Мамлакатимизда иқтисодиёт эркинлашиб, мулкдорлар шакллана бошлагач, жонкуяр қишлоқ фарзанди хайрли ташаббусга қўл урди. Аввало иқтисодий билимларни пухта эгаллаб, бизнесни юритиш сирлари билан танишди. Янгиликка иштиёқи баланд мутахассиснинг тажрибаси ва малакаси ошгандан сўнг янада каттароқ ишларни бошлади. Хусусийлаштириш идораларининг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши билан ишлаб чиқаришга инвестиция киритишга жазм қилди.

## «ПЕШКУТЕКСТИЛ» МАҲСУЛОТЛАРИ ЖАҲОН БОЗОРИДА

Шарофиддин қаровсиз қолдирилган бинони таъмирлаб, кенг ва ёруғ, кўркам иморатга айлантирди. Белоруссиянинг "Актан" ва Ўзбекистоннинг "Буюк истиқлол" жамоалари билан ҳамкорликда қўшма корхонага асос солинди. 600 минг АҚШ долларига Швейцариядан пахта хомашёсини ип-калавага айлантирадиган замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди.

– Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очилганлиги ишимиз ривожига қанот бағишлади, – дейди у. – Банкдан 3 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, корхонанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги технологияни жиҳозлаш чора-тадбирлари кўрилганлиги яхши самара берди.

Бугунги кунда "Пешкутекстил" қўшма корхонасининг маҳсулотлари жаҳон бозорида ҳам харидоргир. Ташкил топганига ярим йил бўлишига қарамасдан, 320 минг АҚШ долларилик ип-калава чет элга экспорт қилинди.

Корхона фаолияти билан танишамиз. Кенг ва ёруғ цехларда дастгоҳлар тўла қувват билан ишлаб турибди. Агрегатларни маҳаллий хотин-қизлар моҳирлик билан бошқаришмоқда. Улар хомашёдан сифатли маҳсулот тайёрлаётганликлари ва у хорижга жўнатилаётганлигидан мамнун. Корхона маъмурияти ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимларнинг унумли меҳнат қилишлари учун ҳамма қулайликларни яратиб берган. Ходимлар иш кийимлари, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Ойлик маошдан ташқари мукофотлар ҳам бериб борилади. Текин тушлик тайёрланади. Зарарли шароитда ишлаётганларга сут-қатиқ маҳсулотлари тарқатилади.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да хайрли амалларга қўл урилган. Кам таъминланган оилалар, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилардан 10 нафари оталиққа олинган. Ногиронлар ҳолидан хабар олиб, кўнгил сўралади.

Янги корхонанинг фойдаланишга топширилиши туфайли 100 та иш ўрни яратилди. Йил давомида 2 минг тонна ип-калава тайёрлашга ихтисослашган аҳил жамоа ўзининг истиқболли режаларига эга. Келажакда янги цехлар очиб, қўшимча иш ўринлари яратиш шулар жумласидандир.

Хуллас, "Пешкутекстил" маҳсулотлари жаҳон бозорига чиқарилаётганлиги ва туманда маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилаётганлиги халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

Янгийўл пахта тозалаш корхонаси ўтган мавсумда деҳқонлардан шартнома асосида 17.805 тонна қимматбаҳо саноат хомашёсини қабул қилиб олган эди. Ҳозир бу ерда кунига 40 — 50 тонна пахта қайта ишланмоқда. Корхонадаги қайта ишлаш технологиясининг аксарият дастгоҳ ва агрегатларнинг янгиланганлиги туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори кўпайиб, сифатини ҳам яхшилашга эришилди. Шу боисдан корхона экспорт салоҳияти ҳам ортмоқда.

## ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОРТМОҚДА

— Ҳозиргача 16 минг тоннадан ортиқ пахта қайта ишланган бўлса, — дейди корхона мутахассиси Абдурасул Ўзбекхўжаев, ярим тайёр маҳсулот ҳолига келтирилган толалар шартномага кўра чет мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Шунингдек, корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига жиддий эътибор берилаётир. Чунончи, байрамларда моддий ёрдам ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг арзон нархда бериб борилиши ҳам юқори унум ва иш самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

*Мавзуга қайтиб*

# БИР ДАРАХТНИ КЕССАНГ учтасини эк

***Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислом Каримов "... Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, 2005 йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида туб бурилиш йили бўлди...", дея таъкидлаб ўтдилар. Дарвоқе, ҳозирги кунда кичик бизнеснинг ялпи маҳсулот ҳажмидаги улуши 38.2 фоизни ташкил этаётган бўлса, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада фаолият юритмоқда. Яратилаётган иш ўринларининг 85 фоизи ҳам айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда.***

Бу борада, айниқса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тубдан ислоҳ қилиш ва биринчи галда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилаётир. Айни вақтда мамлакатимиз фермер хўжаликларида бир миллиондан зиёд киши банд бўлиб, 2005 йилги пахта хомашёсининг 66 фоиз, ғалланинг 55 фоиздан ортиғи уларнинг ҳиссасига тўғри келгани ҳам соҳага муносабат ўзгариб бораётганидан далолат.

Агросаноат мажмуида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш натижасида хўжалик юритиш механизмида ҳамда молиявий жиҳатида ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Хуллас, ҳаёт кўрсатмоқдаки, мулкдорлар синфининг истиқболли вакили — фермер қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи асосий субъектга айланиб бораётир.

Фермер хўжалигининг ҳуқуқий мақоми "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонун, намунавий Устав ҳамда "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Президент Фармонида ўз ифодасини топган. Шунингдек, тадбиркорнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда Фуқаролик кодекси, мулкчилик, тадбиркорлик тўғрисидаги қонунлар ҳам алоҳида ўрин касб этади. Қишлоқ хўжалиги тадбиркорларига имкониятлар яратилганлиги сабабли ўтган давр ичида улар юртимиз ички бозорини тўлдирибгина қолмай, ташқи бозорга ҳам рақобатбардош маҳсулотлар билан чиқмоқда. Муҳими, бир қарич ерни ҳам авайлаб, ундан унумли фойдаланиб, шартнома шартларини кўнгилдагидек уддалаётган тадбиркорлар энди юртимизда жуда кўп.

Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманидаги Кимё Зиёдуллаева бошчилигидаги "Наврўз-11" фермер хўжалиги аъзолари ана шундайлар сирасидан. Ишбилармонлар дастлаб 2001 йили ўн гектар ерда фаолиятларини бошлаб юборишди. Ўша мавсумда даромад ва фойда ҳисобидан лизингга трактор олинди. 2004 йилда тендерга қатнашиб, экин майдонини 73 гектарга етказилди. Мажбурият юки, масъулият ҳисси ошгандан ошиб борди. Янги иш ўринлари яратилиб, қирқ нафар киши доимий иш билан таъминланди. Одамлар моддий қўллаб-қувватланганлиги сабабли меҳнат самарали бўлди, шартнома режаси бажарилиб, ер унумдорлиги орта борди, ҳосилга-ҳосил қўшилди. Муҳим ютуқларни қўлга киритишда оила бошлиғи Абдумажид Қўлдошев, ўғиллари Ўткиржон, Пўлатжон, Маҳмуджон, Абдумурод, Абдуғаффор Қўлдошевлар ҳамда қизлари Хуршидабону, Баҳора, Наргиза, Нигора, Юлдузхонларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Барча соҳалардаги режалар ортиғи билан уддаланганлиги боис, якунда 25 миллион сўм даромад қилинди.

—Ғалладан 8 миллион, пахтадан 7 миллион сўм соф фойда олинди, -дейди К.Зиёдуллаева. —Насиб этса, жорий мавсумларда ҳам меҳнатимиз зое кетмайди. Шу боис истиқболли шартномалар тузиб олганмиз. Ишлаб чиқариш шаклланиб, режалар уддаланаверса даромад ҳам шунга лойиқ бўларкан. Унинг бир қисмини маҳалла тадбирлари ҳамда савобли ишларга сарфлаяпмиз. Маҳалламиздаги ўндан ортиқ кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни ҳомийликка олганмиз. Жумладан, ўтган йилги фойда ҳисобидан қарийб 2 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Насиб этса Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам саховатли ишларда режамиз кўп. Ҳудудимиздаги 1-мактабга болажонлар учун спорт жиҳозлари олиб бериш ҳамда маҳалламиз кўчаларини таъмирлаб, ободонлаштириш шулар жумласидан.

Ҳа, фермер хўжалигининг келгусидаги истиқболли бизнеснинг режаларидан ишлаб чиқаришни жадаллаштириш қаторида жуда кўп саховатли ишлар ҳам ўрин олган. Бироқ мулкдор ишига ҳудабеҳуда аралашувлар, овораю-сарсонгарчиликлар унга тўсқинлик қилибгина қолмай, балки фаолият юритишга ҳам ҳалал бераётир. Дарвоқе, бу хусусда газетамизнинг ўтган йил 28-сентябр сонида "Фермерга кераклиси эркинлик" сарлавҳали мақолада батафсил ҳикоя қилинганди. Орадан шунча вақт ўтса-да, чамаси вилоятдаги мутасаддилар негадир бунга эътибор бермаган кўринади. Ваҳоланки, ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қатор қарорларда мулкдорларнинг ҳақ-ҳуқуқи белгилаб берилган ва у амалдаги қонунлар билан кафолатланади ҳамда улар фаолиятига ортиқча аралашувлар қатъиян ман этилади.

Яқинда "Наврўз-11" фермер хўжалиги раҳбари Кимё Зиёдуллаева таҳририятга ташриф буюриб, айрим ташкилот мутасаддилари ҳуқуқини қонуний ҳимоялаш ўрнига, сарсон-саргардон қилаётганлигидан куйиниб сўзлади. Жумладан, 2004 йилда тендер орқали 60 гектардан ошиқ ер олганидан сўнг бўҳтон ва маломатлар оиласига ёғдирилаётганлиги, айрим ғараз ниятли кишилар тутзорларни кесиб, экинларини пайҳон қилаётгани, шу боис уларга қонун доирасида чора кўриш учун мутасадди идораларга, прокуратурага бир неча бор мурожаат этганини, бироқ ҳеч қандай натижа бўлмаганини, ҳатто ўзлари туҳматга учраб, оила аъзолари билан ҳали туман ички ишлар бўлимига, ҳали прокуратурага чақирилавериб сарсон қилинаётганликларидан хабардор бўлдик.

— Ўтган йил август ойида фермер хўжалигимиз бош ҳисобчиси Ўткир Қўлдошевни ҳеч бир сабабсиз ички ишлар ходимлари олиб кетишди, — дейди Кимё опа. — Бир ҳафта ушлаб туриб, сўнг, англашилмовчилик бўлибди қабилида иш тутиб қўйиб юборишди.

Ҳаётда нималар бўлмайди?. Аммо мутасаддиларнинг йўл қўйган англашилмовчилиги қимматга тушаётир. Ҳали суд идорасига, ҳали бошқасига қайта-қайта боришга тўғри келаётир. Лекин негадир англашилмовчиликни келтириб чиқарганларга нисбатан кескин чоралар қўллашга ошиқилмаяпти.

Беихтиёр савол туғилади: фермернинг зиммасида турган тутзор ва экинларни пайҳон қилиш кимларга керак бўлиб қолди? Ахир у нафақат шу жамоанинг, балки барчанинг мулки, кўпчиликнинг ризқ-насиба манбаи-ку!

Ота-боболаримизнинг бир дарахтни кессанг, учтасини эк, деган ўгити қаёқда қолди?

**Юнусали ОЧИЛДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ: «МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ» БЎЛИМИ ЮЗАСИДАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАЛАРИГА

# ТАВСИЯНОМА

## Иш берувчининг мажбурияти

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирлар ўтказиш учун иш берувчи 20___ йилга __________минг (миллион) сўм ажратиш мажбуриятини олади, уларни ишлаб чиқаришлар бўйича тақсимлаб чиқади:

Цех (бўлим, ишлаб чиқариш) __________минг (миллион) сўм ва ҳ..............

Маблағларнинг сарфланиши устидан назорат қилиш қуйидагиларга юклатилади:

Иш берувчидан___________________________

Касаба уюшма қўмитасидан_________________

Меҳнат муҳофазаси бўйича битим (уларни амалга оширишга доир тадбирлар режаси ва сарф-харажатлар сметаси) жамоа шартномасига илова қилинади.

2. Ҳар бир жойга мослаб иш шароити тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тартиб-қоидалар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнатни ташкил этиш ва унинг хавфсизлиги, биринчи навбатда меҳнат ҳамда дам олиш тартиби, ходимларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга оид меъёрий талабларни ўз ичига олиши керак. Иш шароити тартиб қоидалари _____ йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилиши, ҳар йили ходимларнинг _____ фоизини қамраб олиш керак. Иш берувчи ходимларнинг меҳнат жараёни мазмунининг ўзгариши, меҳнат шароитига бўлган талаб-эҳтиёжларининг ортиши муносабати, ходимлар соғлиғини муҳофаза қилиш ва уларнинг доимий меҳнатга қобилиятларини сақлаб қолиш мақсадида белгиланган меҳнат шароити талабларига мунтазам равишда зарур ўзгартишларни киритиб бориш мажбуриятини олади.

3. Иш жойидаги меҳнат шарт-шароитларига нисбатан бўладиган меъёрий талаблардан, шунингдек бу шарт-шароитларнинг ҳақиқий аҳволидан ҳар бир ишловчини муттасил хабардор қилиб бориши керак. Булар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнат ва дам олиш тартибларига, имтиёз ҳамда компенсациялар, шахсий ва жамоа ҳимоя воситаларига бўлган талабларга қандай амал қилинаётганлиги тўғрисидаги ҳақиқий аҳволга доир маълумотлардан иборат бўлиши керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маълумот ходимларнинг илтимосига кўра ҳар бир ходимга берилиши керак.

4. Давлат, тармоқ ва республика стандартларига эга бўлмаган иш жойлари, асбоб-ускуналар бўйича меҳнат хавфсизлиги стандартларини ишлаб чиқиш (МХСАК). Меҳнат хавфсизлиги стандартларига қатъий ва аниқ амал қилиш устидан назоратни олиб бориш корхона техника хавфсизлиги хизмати зиммасига юклатилади.

5. Биринчи февралгача ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларини таҳлил қилиб чиқиши, ўтган йилдаги меҳнат муҳофазасини яхшилаш юзасидан комплекс режанинг ва санитария-соғломлаштириш тадбирларининг қандай бажарилганлигига якун ясалиши лозим. Буйруқ-қарор (касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда) чиқарилади, унда келгуси йилда бахтсиз ҳодисаларнинг, касб касалликларининг ва заҳарланишларнинг олдини олиш юзасидан тегишли бўлинмалар (цех, участка ва ҳ.) олдига аниқ вазифалар қўйилиши, уларнинг бажарилиши таъминланишини назоратга олади.

6. Келгуси йил жамоа шартномасининг бўлимини тайёрлаш борасида барча иш жойларида меҳнат шароити бўйича экспертиза ўтказилиши ва 1 февралгача иш шароитларининг санитария-техник аҳволига оид паспорт тўлдирилади. Белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур асбоб-ускуналар ва материаллар спецификацияси биринчи мартгача тузиб чиқилиши ва уларнинг етказиб берилишини таъминлаш тегишли бўлинмага топширилади, молия бошқармасига эса уларни маблағ билан таъминлаш топширилади.

7. Техника хавфсизлиги хоналари, меҳнат муҳофазаси бурчаклари учун ўқитишнинг техник воситаларини, ўқув ва кўргазмали қуролларни, тарғибот-ташвиқот воситаларини, плакатлар, хотира қўлланмалари ва ҳоказоларни сотиб олишни ташкил қилади.

8. Корхоналарни қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ ҳамма тадбирлар 1 октябргача бажарилиши керак.

9. Санитария-маиший биноларнинг узлуксиз ишлашини ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди (қайси бино, хоналарнинг таъмирланиши, реконструкция қилиниши, ёки янгисининг қурилиши бўлинмалар бўйича аниқ кўрсатиб берилиши керак).

10. Ўта хавфли ва зарарли шароитларда ишлаган ходимларга амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси асосида қўшимча меҳнат таътили берилиши ва қисқартирилган иш куни белгиланиши керак, шунингдек бепул даволаш-профилактик таом берилиши лозим (илова 1).

11. Зарарли меҳнат шароитида ишлаганларга амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига мувофиқ қўшимча таътил берилиши ва қисқартирилган иш куни белгиланиши, шунингдек бепул сут берилиши керак (илова 2):

- сут бериладиган иш жойлардаги ҳавонинг, муҳитнинг ифлосланишини тугатиш меҳнат шароитини санитария-гигиена қоидалари талабларига тўла мувофиқ келтириш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини олади;

- белгиланган тадбирлар ва уларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилган рўйхатни касаба уюшмаси органига 20___ йилнинг ______гача топшириш мажбуриятини олади.

12____ сонли иловага мувофиқ ишловчиларга махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя ҳамда бошқа муҳофаза воситалари ўз вақтида берилиши керак.

Зарур миқдордаги махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситаларига бўлган буюртманома ўз вақтида, муддатида (1 мартдан кечиктирилмасдан) тузилиши ва уларнинг етказиб берилишини таъминлаш тегишли бўлинмага, молия бошқармасига эса маблағ билан таъминлаш топширилиши керак.

Махсус кийим-бош, махсус пойабзал, шахсий ва бошқа ҳимоя воситаларининг омборга келтирилган ҳар бир партиясининг фақат иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси вакилларидан тузилган комиссия иштирокида иш ва касб турлари учун тегишли сифат сертификати бўлсагина қабул қилиб олиши керак.

Ходимнинг айбисиз муддатидан олдин яроқсиз ҳолга келган махсус кийим-бош ва махсус пойабзал янгиси ёки ямаб-тузатилгани билан алмаштирилиб берилиши керак.

Белгиланган ҳимоя воситаларисиз ходимлар ишга қўйилмаслиги керак, уларнинг яхши сақланиши ва ўз вақтида таъмирланиши таъминланиши лозим.

13. Ишлаётганлар белгиланган тартибда газлаштирилган сув билан таъминланиши керак (маблағ бўлса бошқа соғломлаштирувчи ичимликлар – чой, настойка ва ҳоказоларни бериш кўзда тутилиши мумкин).

14. Корхона худуди ҳамиша саранжом-саришта ҳолда сақланиши лозим, ўтиладиган жойларнинг оралиқлари аниқ белгиланган бўлиши, уларга қатъий амал қилиниши, корхона ичидаги ва бўлимлардаги транспортдан фойдаланишда уларнинг хавфсизлиги таъминланиши керак.

15. Мансабдор шахслар, инженер-техник ходимлар меҳнат муҳофазаси, технологик интизом талаб-қоидаларига, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишлари, вентиляция ва аспирацияларнинг узлуксиз ишлаш жадвалларига қатъий амал қилишлари керак. Бузилган асбоб-ускуналарнинг ишлашига йўл қўймаслиги лозим. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида асбоб-ускуналар ўз вақтида текширилиб туриши керак.

16. Корхона ходимларининг йилига бир марта тиббий кўрикдан ўтишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилиши керак.

17. Корхонада малакали хотин-қиз мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг оналик вазифасини ўташи билан қўшиб олиб боришига имкон берадиган зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида иш берувчи ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

иш жойлари қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилиши керак бўлган хотин-қизлар учун вақтинчалик иш жойлари ташкил қилиниши керак (бошқа корхонадаги иш жойларини вақтинча ижарага олиш, корхонада ва регионда юзага келаётган вазифалар, муаммоларни ҳал қилиш учун вақтинчалик меҳнат жамоаларини, кичик корхоналарни барпо этиш ва бошқалар);

хотин-қизлар меҳнатидан корхоналарда вақтинча фойдаланиш мумкин бўлмаганда касаначиликни ташкил қилиш;

ишлаб чиқариш ҳажмини қисқариши муносабати билан малакали хотин-қизлардан ташкил топган ишлаб чиқариш бўлинмаларини уларнинг розилиги билан тўла бўлмаган иш кунига ўтказиш;

меҳнатидан вақтинча фойдаланиш мумкин бўлмаган хотин-қизларга уларнинг розилиги билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътили бериш, ўша даврда банд бўлиши учун унга ёрдам (корхона имкониятларидан келиб чиқиб) қилиш;

корхона (структуравий бўлинма) реконструкция қилинганидан кейин бу ерда илгари ишлаб кетган ва қайтиб келишни истаган хотин-қизлар биринчи навбатда ишга олиниши керак, зарурат бўлганда улар қайта ўқитилишини ташкил қилиш;

ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган болалари бўлган аёлларни иш вақти 8 соатдан ошадиган ишларга жалб этилмаслик;

ҳомиладор аёллар тиббий текширишдан ўтишлари учун (агар бундай текширишлар ишдан ташқари вақтда ўтказишнинг иложи бўлмаса) уларни иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда иш вақтида ўтишлари учун рухсат бериш;

цехларда психологик жиҳатдан енгиллаштириш кабинетлари, соғломлаштириш комплекслари ташкил этиш керак.

## Касаба уюшма қўмитаси мажбуриятлари

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия таркиби тасдиқланиши, фаоллар ўқуви (ўқитиш муддати ва дастури кўрсатилиши керак) ўтказилиши керак.

2. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнат муҳофазаси комиссияси аъзолари ёрдамида инженер-техник ходимлар, хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси талабларига қандай амал қилишаётганлиги устидан доимий назорат ўрнатилиши керак.

3. Касаба уюшмаси қўмитаси мажлисларида махсус уст-бош, махсус пойабзал, шахсий ҳимоя ва бошқа воситаларига бўлган буюртманомалари кўриб чиқилиши керак, бу тадбир буюртма корхонанинг моддий-техник таъминот органларига ўтказилмасдан аввал қилиниши лозим.

4. Ишчилар ва хизматчиларга бериладиган махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя ҳамда бошқа муҳофаза воситаларининг бутунлиги, ишга яроқлиги, улардан албатта фойдаланиши назорат қилиниб борилиши керак.

5. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнат муҳофазаси комиссиясининг таклифлари бўлимларда, участкаларда ва бошқа иш бўлинмаларда, хўжалик раҳбарлари томонидан қандай бажарилаётганлиги муттасил текшириб борилиши, уларнинг мумкин қадар кўпроқ амалга оширилишига эришиш керак, фаоллар таклифларига бефарқ қараган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласи қўйилиши керак.

6. Жамоа шартномаси ва унинг битим бўлимлари лойиҳалари бўйича таклифларни тўплаш ташкил қилиниши ва улар цех, бўлим, участка ва бошқа бўлинмалар меҳнат жамоалари мажлисларда муҳокама этилиши керак.

7. Цехда меҳнат муҳофазасининг аҳволи текширилаётган, меҳнат муҳофазаси кунлари, ишлаб чиқариш маданияти кунлари ўтказилаётган вақтда жамоа шартномалари ва битимларининг умумкомиссия томонидан қандай бажарилаётганлиги текширилиши керак.

## Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг ўзаро мажбуриятлари

1. Томонлар шундан келиб чиқадики, касаба уюшмаси органи янги технология ва асбоб-ускуналарнинг меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бериш-бермаслиги юзасидан ўтказиладиган ҳар қандай давлат экспертизаларида қатнашиш ҳуқуқига эга, у иш шароитининг ходим соғлигига қандай таъсир қилишини аниқлаш мақсадида ўз мустақил экспертизасини ўтказиши мумкин ва бу ишга бошқа ихтисослашган ташкилотлар ёки тегишли мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмаси органи мустақил экспертиза хулосасини иш берувчига тақдим этади, унда унинг таклифлари баён этилади. Агар хулоса, иш берувчининг позициясига қарши уларoқ, касаба уюшмаси органининг иш шароитининг ходимлар соғлигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги тўғрисидаги фикрини тасдиқласа, у ҳолда иш берувчи касаба уюшмаси органига экспертизани ўтказиш учун кетган сарф-харажатларни тўлайди.

2. Томонлар шунга келишдики, иш берувчи иш шароитига бўлган меъёрий талабларни, корхонадаги ижтимоий-маиший хизмат меъёрида кўзда тутилган меҳнат ва дам олиш бўйича белгиланган тартибни қўпол бузса, ходимни шахсий ҳимоянинг зарур воситалари билан таъминламаса, бунинг оқибатида ходим ҳаёти ва соғлиги учун бевосита хавф туғилса, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилувчи ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар киритилмагунча тегишли ишни бажаришдан бош тортишга ҳақлидир.

Юқорида кўрсатилган сабаблар туфайли иш тўхтатилган вақт давомида ходимнинг иш жойи сақлаб қолинади ва унга ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

3. Корхона жамоасининг структуравий бўлинмалари бўйича меҳнат муҳофазаси комиссияси миқдорий таркиби аниқланиши, уларнинг сайлови, ўқуви (ўқув муддатлари ва дастури кўрсатилади) ўз вақтида ўтказилиши ва тегишли гувоҳномалар берилиши керак.

4. Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакиллар ва меҳнат муҳофазаси комиссиясининг энг яхши аъзолари тақдирланиши (маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг аниқ турлари, уларнинг иш якунлари кўрсатилиши керак) керак.

5. Корхона ва унинг структуравий бўлинмаларида меҳнат муҳофазаси устидан маъмурий-жамоатчилик назоратининг уч босқичли услубининг олиб борилишини таъминлаш.

6. Томонлар моддий рағбатлантириш тартибини ўрнатишлари лозим, бунда йил давомида меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилишига йўл қўймаган ходимларга қонун томонидан ўрнатилган энг кам иш ҳақининг ________ миқдорида пул мукофоти берилади.

Юқоридаги кўрсатилган ходимлар тақдирланишига цех, бўлинма, участка, бригада раҳбарлари томонидан тегишли касаба уюшма органи билан келишиб номзод меҳнат жамоаси мажлисида муҳокама қилингандан сўнг тавсия этилади.

7. Томонлар шундан келиб чиқадики, шикастланиш, касб касаллиги туфайли ёки ўз вазифасини бажариш натижасида ходимлар соғлигига етказилган зарар учун корхона уларнинг олдида моддий жиҳатдан жавоб беради.

Томонлар шунга келишадиларки, корхона ходимига кўрилган зарар учун товон тўлашдан ташқари, амалдаги қонунга мувофиқ қуйидагича ҳақ тўлайди:

- шикастланган, касб касаллиги ёки меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ёки бошқа сабабларга кўра соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчи томонидан зарарни тўлаш тўғрисидаги 1994 йил 1 февралдаги қоидада кўзда тутилганга нисбатан _________ фоиз кўп миқдорларда бир марта тўланадиган нафақа;

- қонун бўйича зарар кўрганга тўланиши керак бўлган тўлов ҳақига қўшимча равишда ________ фоиздан ________ фоизгача ўртача иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ. Кўрилган зарар кўлами йўқотилган профессионал меҳнат қобилияти кўлами ҳисобга олинган (корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб) ҳолда белгиланади;

- меҳнат вазифасини бажараётиб ёки корхона манфаатлари йўлида иш қилаётиб ҳалок бўлган, шу туфайли боқувчисидан ажралган ва бунинг учун товон пули олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга иш берувчи ҳалок бўлганнинг ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида бир марта нафақа (лекин бу олти ўртача йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак) тўлаши, шунингдек диний маросимларни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларни ҳам ўз зиммасига олади;

- иш берувчи, агар жабр кўрган одам шикастланганини натижасида илгариги ишини қилишга қодир бўлмаса, ДМЭК ёки ВКК хулосасига мувофиқ унинг розилиги билан уни бошқа касбга ўқитиш-ўргатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ўқиш давомида жабрланганга аввалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи тўланиб турилади ва ўқиш билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олади.

Илова № ______

Меҳнат муҳофазаси бўйича битим: корхона муассаса, ташкилот ва ҳоказо

| № | Тадбирлар (ишлар мазмуни) | Хисоботга олиш бирлиги | Миқдори | Ишлар қиймати (минг сўм хисобида) | Тадбирларнинг бажарилиш муддати | Ижро учун масъул | Кутилган ижтимоий самара | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Меҳнат шароити яхшиланиши керак бўлган ишловчилар | Оғир жисмоний ишдан бўшатилаётган ишловчилар сони |
| | | | | | | | Жами, шу жумладан хотин-қизлар | Жами, шу жумладан хотин-қизлар |
| | | | | | | | | |

1.
2.
3.
4.
5.

Касблар ва лавозимлар номи. Махсус кийим-бош, махсус пойабзал, шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситаларини бепул олиш ҳуқуқини берадиган ишлар

| № | Цех, булим, участка ва ҳоказо | Касблар, лавозимлар номи | Берилиши керак булган махсус устбош. Махсус пойабзал ва махсус химоя воситаларининг турлари | Ой ҳисобида кийилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

1.
2.
3.
4.
5.

Илова №______

Касблар ва лавозимлар рўйхати. Қўшимча меҳнат таътили бериш, қисқартирилган иш кунини тайинлаш ҳуқуқини берадиган меҳнат шароити зарарли ишлар

| № | Цех, бўлим, участка ва ҳоказо | Касблар лавозимлар номи | Бериладиган имтиёз, қўшимча таътил кунлари сони кўрсатилиши керак |
|---|---|---|---|
| | | | |

1.
2.
3.

Илова № ______

Касблар ва лавозимлар рўйхати. Бепул даволаш-профилактик овқатланиш ҳуқуқини берадиган меҳнат шароити ўта зарарли ишлар

| № | Цех, бўлим, участка ва ҳоказо | Касблар лавозимлар номи | Овқатланиш рациони |
|---|---|---|---|
| | | | |

1.
2.
3.

Илова № _____

Касблар ва лавозимлар рўйхати. Иш кунлари сут ёки бошқа шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари бепул бериладиган касблар, лавозимлар

| № | Цех, бўлим, участка ва ҳоказо | Касблар лавозимлар номи |
|---|---|---|
| | | |

1.
2.
3.

*Спорт оламида*

# ТУРИНДА НИМА ГАПЛАР?

***Тўрт йилда бир марта бўладиган Олимпиада ўйинлари нафақат қўша-қўша медаллари, балки гоҳо кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа-ҳодисалари билан ҳам спорт мухлисларини ҳайратга солиб келади. Италиянинг Турин шаҳри мезбонлик қилаётган XX Қишки олимпиада ҳам бундан мустасно эмас.***

Авваламбор, медаллар тақсимоти ҳақида. Аксарият мутахассислар ва табиийки, мухлислар ҳам аввалги олимпиадаларда қайд этилган, ҳатто анъанага айланиб қолган ҳолатдан хулоса чиқарган ҳолда бу йил ҳам шоҳсупага элтувчи юқори натижалар асосан АҚШ, Россия ва Скандинавия давлатлари — Швеция, Норвегия ва Финляндия спортчилари томонидан қайд этилади, деган фикрда эдилар.

Лекин воқеалар ривожи хиёл бошқачароқ вазиятни тақдим этмоқда бизга. Хусусан, очколар бўйича Германия термаси карвонбошилик қилаётгани, қолаверса кучли олтиликда Корея терма жамоаси жой олганлиги Олимпиада атрофида янгидан-янги фараз ва башоратларнинг туғилишига сабаб бўлмоқда. Жадвалга қараб, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

| | Олтин | Кумуш | Бронза | Жами | Очко |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. Германия | 7 | 7 | 4 | 18 | 39 |
| 2.АҚШ | 7 | 5 | 3 | 15 | 34 |
| 3. Австрия | 7 | 5 | 3 | 15 | 34 |
| 4. Россия | 7 | 2 | 5 | 14 | 30 |
| 5. Канада | 3 | 6 | 5 | 14 | 26 |
| 6. Корея | 3 | 3 | 1 | 7 | 16 |

Албатта, спорт шундай мўъжизаки, кўз очиб, юмгунча фурсат ўтмай, турнир жадвалига ўзгартиришлар киритиши мумкин. Ҳали олдинда яна беш кунлик натижалар қайди турибди. Бинобарин, АҚШ ва Россия ўз мавқеларини ўнглаб олишлари ёхуд барчани ҳайратга солиб умумжамоа ҳисобида Германия биринчиликни ҳеч кимга бериб қўймаслиги ҳам мумкин.

Энди Олимпиада атрофида тоғ чанғичиларининг тезлигидан-да, трамплиндан сакраш ҳадисини олган "учар одамлар"нинг матонатидан-да ёхуд фристайл усталарининг гирра каптардек ҳаводе рақс тушишларидан-да ғаройиб воқеалар хусусида икки оғиз сўз.

Буни қарангки, допинг можароларидан ҳам шов-шувли хабарлар тарқалиши давом этмоқда. РИА Новости томонидан тарқатилган маълумотга қараганда, Олимпиаданинг бронза медали соҳибаси биатлончи Альбина Ахатова Ямал-Ненец автоном округи ва мамлакатни шон-шарафига бурканганлиги учун уни Лабитнанги шаҳри фахрий фуқаролигига қабул қилиш тадориги кўрилмоқда.

Айни вақтда франциялик тоғ чанғиси устаси Пьер-Эммануэл Дальсен 5 минг Швейцария франки миқдорида жаримага тортилганидан норози. У мусобақа чоғида ножўя имо-ишоралар қилганлиги учун шундай жазога лойиқ кўрилди.

Олимпиаданинг бронза медалини майдон эгаларига тухфа этган чана устаси Герхард Планкенштайнернинг ҳали бошида қора булутлар изғиб юрибди. У Италия мадҳиясини билмаслигини тан олганлиги учун жамоатчилик ўз "қаҳрамон"ини душман каби ёмон кўриб қолди. Ва ҳатто бунинг учун спортчига қўлга киритилган бронза медалини қайтариб топшириш таклиф қилинмоқда.

Бунинг акси ўлароқ, немис спортчиси Диана Сартор гарчанд мусобақаларда кўнгилдагидек қатнашолмаган бўлса-да, ҳозир Германия жамоаси уни бошига кўтармоқда. У шундай нуфузли баҳсларга уч ойлик ҳомиласи билан ташриф буюрган экан. Мана буни матонат деса бўлади!

Энди мана бу янгиликни эшитинг: Жанубий Корея фуқароси Ким Чжэ Су ҳозир ўзини қўярга жой тополмай юрибди. У америкалик фристайл устаси, Олимпиада бронза медали соҳиби Тоби Доусон шахсида бундан 25 йил муқаддам Пусан шаҳрида йўқотиб қўйгани ўз ўғлини топиб олди.

Маълум бўлишича, 1982 йили Тобини америкалик бир оила боқиб олган экан. Ҳозир 27 ёшга кирган спортчи 52 ёшли Ким Чжэ Суга жуда ўхшайди.

**Интернет хабарлари асосида**
**М. ИБРОҲИМОВ тайёрлади**



Рўзиқул Шоҳимардонов номли "Касби-88" транспорт ширкатида мавжуд 100 га яқин автотранспорт воситаларининг ҳаммаси ҳамиша хизматга шай. Улар нафақат туман, балки вилоятдаги кўплаб ташкилотлар, корхоналар ҳамда хўжаликларга буюртма асосида намунали хизмат кўрсатмоқда. Ишлаб топилган маблағ, автокорхона жамоасининг турмуш шароитини яхшилаш, ишчи-хизматчилар учун қулай имкониятлар яратиш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ҳамда хайрли тадбирлар учун сарфланмоқда.

Шунингдек, кейинги йилларда бу ерда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини тежаб-тергаб оқилона фойдаланиш борасида ҳам бир мунча ибратли ишлар олиб борилмоқда.

**Суратда: механик Абдуғани Сатторов илғор ҳайдовчилар Нажмиддин Равшанов ва Зоҳид Некбоевларга йўналишга чиқиш олдидан кўрсатма бермоқда.**

**А. ХУДОЁРОВ**
**олган сурат**

## Саволингизга Хоразм вилояти ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг меҳнат шароитлари Давлат эксперти Шарифбой Матюсупов жавоб беради

***САВОЛ: иш жойларини аттестация қилишда нималарга эътибор берилади ва бу аттестация ким томонидан қай тарзда ўтказилади?***

**С.АБДУВАЛИЕВ,**
**Хонқа тумани**

**ЖАВОБ**: меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилишда қуйидагилар аниқланади:

– имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган айрим касбларда банд бўлган фуқароларнинг бундай имтиёзга бўлган ҳуқуқини (бор ёки йўқлиги)ни тасдиқлаш.

– ноқулай меҳнат шароитларидаги касбларда банд бўлган айрим тоифадаги ходимларнинг имтиёзли шартларда солиқ тўлаш ҳуқуқи (бор ёки йўқлиги)ни тасдиқлаш.

– асосий таътил кунларига (15 кун) қўшимча корхона солиқ базасини камайтирувчи меҳнат шароитлари ноқулайлиги ва ўзига хослиги билан боғлиқ таътил кунлари сонини аниқлаш.

– ноқулай меҳнат шароитларида ишловчи айрим тоифадаги ходимларни қисқартирилган иш куни (ҳафтасига 36 соат)да ишлаш ҳуқуқи (бор ёки йўқлиги)ни тасдиқлаш.

Иш берувчи билан айрим тоифадаги ходимлар ўртасида (юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзларни белгилашда)ги муносабатларни кафолатлаб берувчи ягона ҳуқуқий ҳужжат – бу иш жойларини аттестация қилинганлиги ҳужжати ҳисобланади ва бу ҳужжат қатъий ҳисобда туриб, корхона архивида 50 йил сақланиши талаб қилинади.

Аттестациядан ўтказиш учун корхонада буйруқ чиқарилиб, унда доимий асосда ишлайдиган аттестация комиссиясининг таркиби тасдиқланади ҳамда вазифалари белгилаб қўйилади.

Аттестация комиссияси таркибига, қоида тариқасида, корхона бош муҳандиси, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати мутахассислари, ходимлар билан ишлаш, меҳнат ва иш ҳақи бўлими ходимлари, шунингдек, корхонанинг санитария-гигиена ёки технологик лабораториялари вакиллари киритилади.

## ЁТОҚХОНАЛАР ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Андижон вилояти Давлат университетига қарашли умумий ётоқхоналарни қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Ҳозирда талабалар ётоқхонасига ўттизтадан зиёд янги газ плитаси ўрнатилди. Ошхона ва буфетлардаги стол-стул, мебеллар янгиланди.

Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази (РРТМ) ҳудудий "Ангрен", "Шоугаз" РТСларига (вахта усули билан) олий ва ўрта-махсус маълумотга эга бўлган радио, телевидение соҳаси мутахассислигига эга бўлган кадрларни ишга қабул қилиш учун танлов эълон қилади.

Танловга қатнашувчилар мутахассислиги, иш стажи ва бошқа маълумотлари билан ёзма равишда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

**Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 109"а" уй.**
**Тел: 134-67-91, 135-63-05.**

**БИЛДИРИШ**

Обидов Насим Тохиржанович ва Обидов Жобир Тохиржанович биргаликда Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси 20-уйда жойлашган «NAMANGANSUVTRANS» очиқ акциядорлик жамиятининг 106035 дона, яъни устав фондининг 46,0 фоиз оддий, эгаси ёзилган, накдсиз акцияларини сотиб олиш истаги борлигини маълум қилади.

*Ўзимизнинг Миржалол!*

# ПЕЛЕНИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИРГАН ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ

## ИЛК ТАНИШУВ

Ёшлигида копток тепмаган бола топилмаса керак. Чунки спортнинг бу оммабоп тури мустаҳкам ирода соҳиби бўлишда муҳим рол ўйнайди. Қолаверса, иқтидор ва қобилиятдан бир чимдим қўшиб берилган бўлса, боз устига у меҳнатдан қочмаса борми, унинг "юлдузга айланиши" ҳеч гап эмас.

...1987 йилнинг ёз ойлари эди, адашмасам. "Комсомолская правда" газетасининг учинчи бетида, "Марадона с Чигатая" деб номланган мақолага кўзим тушиб қолди. Аввало футболга қизиқишим, қолаверса у ердаги "Марадона", "Чиғатой" каби ёзувлар мени ўзига тортди. Унда ўзимизнинг тошкентлик, чиғатойлик 17 ёшли ўспириннинг чиройли ҳаракатлари ўша пайтдаги жаҳон футболи юлдузи Диего Марадонани эслатиши, бу ёш йигит келажакда жаҳон футболининг ёркин юлдузи бўлиши мумкинлиги ҳақида сўз борарди. Мақола, учинчи бетнинг энг чекка устунида бир йўл узунликда бўлиб, гугурт қутисидек келадиган сурат ҳам берилганди. Ўспирин ўша пайтларда мамлакат ўсмирлар терма жамоасини жаҳон чемпиони бўлишида катта ҳисса қўшганлиги, унинг майдонни кафтдек кўриш қобилияти, жарима ва бурчак тўпларини маромида ижро эта олишига кимсан, "футбол қироли" Пеленинг ўзи тан берганлиги мақолада ифтихор билан тилга олинганди. "Футбол қироли" тан берган бу ўспирин йигит, бугун Ўзбекистоннинг ифтихорига айланган Миржалол Қосимов эди. Албатта, москвалик мухбир қувлик қиламан деб, ўша пайтда сарлавҳада хато қилган. Миржалол Чиғатой футбол мактабида машғулотларга қатнагани боис у шундай ёзган бўлиши мумкин ва аслида бу жуда муҳим нарса ҳам эмасди. Бироқ, Москвада таҳсил олаётган ёш иқтидорнинг ўзбек футболида юлдуз бўлиб порлаётганини пайқаган ва бу ҳақда матбуотда биринчи бўлиб чиқиш қилган мухбирга қойил қолганман.

Шу-шу бўлди-ю, бу йигитнинг тақдири футбол мухлиси бўлган акам ва мени қизиқтириб қўйди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Миржалол Қосимовнинг чиройли ўйинларини "Пахтакор" жамоаси сафига қўшилганида завқ билан томоша қила бошладик.

## ЧИРОЙЛИ ЎЙИН СИРИ

Футболда шундай ўйинчилар борки, уларнинг ҳаракатларига кўп нарса боғлиқ бўлади. Тўғри, футбол жамоавий ўйин, агар ҳамма бирдек ҳаракат қилмаса, бир кишининг қўлидан ҳеч нарса келмаслиги мумкин. Бироқ, ана ўша бир футболчи жамоасини руҳлантира олса, ғалаба сари етаклай билса, боз устига чиройли комбинациялар уюштира олса, унинг ўрни жамоада албатта билиниб туради. Жаҳон футболида бундай "диспетчер" ўйинчилар анқонинг уруғидай гап. Аммо, давримиз юлдузлари Зидан, Бекхэм, Анри, Фигу, Рональдино ана шундай қобилият эгаларидир.



Хўш, бундай чиройли ўйин ва маҳоратнинг сири нимада? Бу саволга таниқли спорт шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев "Футбол — қувончим, дардим, фахрим" китобининг Миржалолга бағишланган бўлимида шундай ёзади: "Миржалол ҳақида гап кетганда кўпчилик ишқибозлардан "Уни Парвардигорнинг ўзи қобилиятли қилиб яратган экан" қабилидаги фикрларни эшитиб қоламан. Бироқ, юқоридаги ютуқларни фақат талантга боғласак хато бўлади. Унинг иқтидорини эътироф этган ҳолда ёшлигиданоқ машғулотлар пайтида энг кўп тер тўкадиган Миржалол эканлигини мураббийлар кўп гапиришган".

Худди ана шу тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги сабаб Миржалол Қосимов футболдаги маҳоратини сайқаллай борди. Мамлакатимизда мустақил чемпионат бошланганда эса биринчилардан бўлиб унга Россия жамоаларидан таклиф тушди. "Қосимов — Денисов — Шквирин" учлиги намойиш этган чиройли ўйинлар туфайли Владикавказнинг "Спартак-Алания" жамоаси мамлакати тарихида илк марта совриндор бўлди.

## «ҲАММА НАРСАДАН ВАТАН АЗИЗ»!

Инсон ҳаёти ўнқир-чўнқирликлардан иборат деганда донишмандлар ҳақ. Бу чўнқирлардан, тўсиқлардан ошиб ўтган инсонгина ҳаётнинг қадрига етади.

1993 йилга келиб Миржалол Қосимов фаолиятидаги энг қора кунлар бошланди. Гап шундаки, Миржалол томонидан ижро этилган жарима тўплари, майдонни кўра билиш қобилияти, "ақлли футбол" ўйнаши чет эллик мутахассислар назарига тушди. Унга хориж жамоаларидан кетмакет таклифлар туша бошлади. Мухлислар орасида "Миржалол Испаниянинг "Севилья" жамоасига ўтаётганмиш" деган гаплар тарқалди. Буни кўпчилик ўзича талқин этди. "Футболчи ўз маҳоратини пулга сотди, шу ҳам иш бўлдими" каби беъмани қарашлар ҳам, афсуски, йўқ эмасди. Шу миш-мишлардан сўнг у яқин бир йил мобайнида майдонда кўринмай қолди. Албатта оддий футбол мухлиси бўлган биз каби ишқибозлар бу сирнинг нимадалигини билмай қолавердик.

Яна футбол билимдони А.Имомхўжаевнинг ўша китобини варақлаймиз: "Мартнинг бошида у "совчилар макони" - Испанияга жўнаб кетди. Мухлислар ўртасида тортишувлар бошланди. Кимдир уни футболи юқори даражада бўлган Испаниядек мамлакатга кетганидан хурсанд бўлса, бошқа биров сотқинликда айблади".

Миржалолнинг майдонда кўринмай қолгани, табиийки, мухлисларни ташвишга солиб қўйди. Негадир матбуот ҳам жим эди. Газета ёки журналда у ҳақда маълумот берилмай қўйди. Хайриятки, "Спорт" газетасининг мухбири у билан батафсил суҳбат уюштирди. "Ҳамма нарсадан Ватан азиз" деб номланган ушбу мақолада Миржалолга нима бўлганлиги ойдинлашганди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан уни яна катта футболда кўрдик. У яна владикавказликлар сафида сардор сифатида ўйнай бошлади.

## ЮРАКДА ЧЎҒ БЎЛСА...

2001 йил. Навбатдаги жаҳон чемпионати арафасида Осиё қитъаси вакиллари иккита йўлланма учун кураш олиб бордилар. Терма жамоамизга россиялик мураббий Владимир Сальков бош мураббий этиб тайинланди. Ўша саралаш баҳсларида жаҳон чемпионатига чиқиш учун қулай вазият юзага келганди. Ҳал қилувчи ўйин Хитой терма жамоаси ва футболчиларимиз ўртасида кечди. Сафарда кечган ўйинни тўғридан-тўғри шарҳлаш учун ҳамкасбимиз Хайрулла Ҳамидов ҳам терма жамоа сафида Чин ўлкасига сафар этди. Терма жамоамиз бу ўйинни 2:0 ҳисобида бой берди. Сафардан қайтган ҳамкасбимизга саволларимиз кўп эди. Шунда Хайрулладан "Бу мағлубият футболчиларга қандай таъсир этганлигини" сўрадим. У фақат Миржалол бу мағлубиятни ўзига қаттиқ олганлигини, ҳатто меҳмонхонадаги хонасидан овқатланиш учун ҳам ташқарига чиқмаганини айтиб берди. Бошқа футболчилар ҳазил-мутойиба билан мағлубиятни қабул қилганда, унинг бу куйга тушиши бизнинг муҳаббатимизни янада оширди.

Миржалол хоҳ терма жамоада бўлсин, хоҳ бошқа жамоаларда тўп сурсин, ўз касбига чин ихлос билан ёндошишини бир неча марта исботлаган. "Спартак-Алания" (Владикавказ), "Крилья Советов" (Самара), "Ал-Шабоб" (БАА), "Машъал" (Муборак) ҳамда ўзининг жонажон "Пахтакор"ида тўп сурадими, унинг шиори битта: чин кўнгилдан футбол ўйнаш, ўзини ўйинга бахшида этиш ва доимо ақлли футбол намойиш этиш бўлган.

Бугун... Мухлислар Миржалолни сўнгги бор футбол майдонида кўришади. Марказий "Пахтакор" ўйингоҳи ҳам у билан расман хайрлашади. Энди Миржалол ўз билим ва тажрибасини ёш футболчиларга ўргатади. Омад сенга ёр бўлсин, Миржалол!

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

***«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази муассислигида боғча ёшидаги болажонларга мўлжалланган «Бекинмачоқ» ойлик журнали чоп этила бошланди.***

# БОЛАЛАР УЧУН «БЕКИНМАЧОҚ»...

Рангли суратлардан иборат мазкур журнал саҳифалари болаларбоп расм, ўйин ва топишмоқлардан иборат. Бу эса нашрнинг ўз қиёфасига эга эканлигидан далолат беради.

«Мен «Гулхан» журналида ишлаётганимда боғча ёшидаги болалар учун ҳам саҳифалар бериб борардим. Бироқ бу жуда оз эди. Ушбу журналнинг ташкил бўлишини 30-40 йилдан бери орзу қилардим. Ниҳоят кўп йиллик орзуим амалга ошди. Республикамизда 10 мингга яқин боғча бор. Энди бу рақамни болалар сонига кўпайтирсак, эҳ-ҳе-е... Боғчаларга қатнолмайдиган болалар қанча?.. Уларга ҳам журнал керак, улар ҳам мактабга тайёрланиб боришлари зарур...» дейди журналга «оқ йўл» тилаган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев.

– «Бекинмачоқ» болажонларимиз учун севимли бўлишига ишонаман, – дейди журнал бош муҳаррири Заҳро Ҳасанова. – Албатта бунинг учун кўпроқ изланишимиз, ўз устимизда мунтазам иш олиб боришимиз керак. Шундай қиламиз ҳам.

Ҳозирги кунда журнал таҳририяти янгидан янги ижодий режалар билан банд.

*Туҳфа*

**Ш.МУСАЕВ**

---

*Ўқинг-қизиқ!*

# ЎРДАКЛАР ДУНЁСИ БУ...

***Мамлакатимиз сув ҳавзаларида 20 турга яқин ўрдаклар учрайди. Улардан мармар чуррак, олақанот ўрдак, оқбош ўрдак каби турлари Ўзбекистоннинг "Қизил китоби"дан жой олган.***

Миграция вақтида Ўзбекистонга бир неча тур ўрдаклар учиб келади. Булар орасидаги ёввойи ўрдак Евросиё, Европанинг шимолий чегараларидан то Эрон ва Шимолий Ҳиндистонгача тарқалган. Ўзбекистонда қишда шимолдан бу ўрдакнинг бошқа вакиллари келиб қўшилади. Кузда республикамиз ҳудуди орқали жанубга 400 мингга яқин ёввойи ўрдак учиб ўтади. Шундан 60 мингга яқини бизда қишлайди. Оддий чуррак Евросиёдан Узоқ Шарқ ва Ғарбий Европагача тарқалган. Марказий Осиёдан миграция қилади. Кузда жанубга, баҳорда шимолга республикамиз ҳудудидан 250 мингга яқин оддий чуррак учиб ўтади. Мамлакатимиз сув ҳавзаларида 35 мингга яқин оддий чуррак қишлайди. Ирға ўрдаги асосан Ғарбий Сибир сув ҳавзаларида, қисман Ўрта Осиёда уя қуради. Ўзбекистонда қишлайди. Уя қурувчи, ўткинчи, кам қишловчи ўрдак бўлиб, бир йилда мингтага яқини овланади.

Бундан ташқари катта чуррак, суқсун, олмабош, қизилбош шўнғишвой, ҳайдаркокил каби ўрдак турлари ҳам бор.

**А.АЛИЕВ**

---

*Ҳаёт сабоқлари*

***Гоҳида баъзи кимсаларнинг бемаъни ишларини кўриб, виждонсиз-да, деб қўя қоламиз. Хўш, ўзи виждон нима?***

Виждон — илоҳий нур. Инсон фазилатига зиё бахш этиб турган жамики эзгуликлар — виждон! Виждон ботиний адолат, ботиний покликдир.

Поклик бор жойда, албатта, виждон бўлади. Покизалик бор гўшада ривож бўлади. Виждон, бу келажак. Дунёни ушлаб турган устун. Тўғрилик, ростгўйлик виждондир. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида шундай бир ҳикоят бор. Кунлардан бир куни ақл-заковатда тенги йўқ вазир Ойтўлди ўз ҳаётининг охирги дақиқалари тобора яқинлашиб қолаётганлигини сезиб, ўғли Ўгдулмишга шундай насиҳат қилади: "Сен ўз табиатингда виждонийликни шакллантира боришинг керак. Менинг ягона ташвишим шуки, сен ҳаётинг давомида фақат виждонинг буюрганини бажар. Ҳеч қачон бировнинг дилини оғритма. Ҳеч қачон ёлғон гапирма, бошингга қилич келса-да тўғри сўзла. Ҳар бир сўзни охиригача эшит, ҳеч кимга, бирор нарсага дарров ишона қолмагин. Ҳар бир кишининг гапини мантиқ тарозисига солиб кўр, ҳеч қачон сирингни бировга дастурхон қилма, юмшоқ кўнгиллилик, виждонийлик доимий одатинг бўлсин. Ҳасаддан йироқ тур. Виждонсизлардан доимо узоқ бўл. Виждонли, номусли, уят-андишали инсонлар билан дўст тутин. Бирорта ишда ҳам шошилма. Доимо сабр ва қаноат қил. Тилингни ҳам, бўғзингни ҳам, кўзингни ҳам асра, хиёнатдан четда бўл, дўсту душманни фарқига ета оладиган бўл. Туҳматдан, адолатсизликдан, иккиюзламачиликдан, манманликдан, улуғлар олдида камгап бўлишдан ҳар доим ўзингни йироқда деб бил, айтганларимнинг ҳаммасига амал қилсанггина менинг иш амалим сенга сингади".

# ВИЖДОН

Инсон нафсни виждондан устун қўймаслиги керак. Бу ёруғ оламда фақат эзгулик учун яшамоғимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Виждон бу ҳаёт йўлимизга қўйилган светофор. Унга қараб қандай яшашни билиб олишимиз керак.

Негадир баъзилар виждони буюрганига қарши боришади. Ахир инсондаги виждон тушунчаси энг олий қадрият-ку.

Агар ҳар бир киши ўз виждони олдида ҳисоб берса, орамизда ёлғончилар, иккиюзламачи, мунофиқлар бўлмас эди. Минг афсуски, кўпчилик оилаларда ўғил отасини, қиз онасини, хонадон бошлиғи хотинини алдайди. Тарбиянинг бош мезони виждон тарбиясидир. Буни ҳар бир киши аввал ўзидан, сўнгра оиласидан, фарзандларидан бошлаши керак. Виждон тарбияси жуда мураккаб ва кўп қиррали жараён. Ёшларни ҳар томонлама баркамол, маънан етук инсонлар қилиб тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: фарзандлар тарбиясида оиланинг ўрни қандай бўлиши керак? Маълумки, оила жамиятда иккита улкан ижтимоий вазифани бажаради.

Биринчиси, соғлом фарзандларни дунёга келтириш.

Иккинчиси, уларга тўғри тарбия бериш.

Демак, ёшлар тарбиясида аввало, оила ҳаётини тўғри йўлга қўйиш керак. Бунинг учун болаларни севиш билан бирга уларни одобли, ҳаёли, виждонли қилиб тарбиялаш лозим. Шуни унутмаслик жоизки, фарзанд тарбияси ота-онага тақлидчиликдан шаклланади. Бунинг учун ота-она боласига доимо шахсий намуна кўрсатиши даркор. Токи улар хатти-ҳаракатида табиий эзгулик сезилиб турсин. Шунда болада уят, андиша, сабр-қаноат, босиқлик каби ахлоқий сифатлар шаклланади.

Кўпчилик ота-оналар болани моддий жиҳатдан таъминлаб ўз вазифам, бурчимни бажардим, деб ўйлайдилар. Лекин унда болаларнинг дам олиши, овқатланиши, ўқув машғулотлари, ўйинлар, маънавий-маданий кўнгил очишларга ким йўналтиради, ким ўргатади?

Ота оилани моддий жиҳатдан таъминлаб, кўчадан уйга келмаса, она бозор, тўй-ҳашамдан ортмаса, фарзанд тарбиясини мактабга, ўқитувчи зиммасига ташлаган хонадонларда ўсиб-улғайган болалардан эртага нима кутиш мумкин?! Халқимизда қуш уясида кўрганини қилади, деган ажойиб ҳикмат бор. Шуни унутмайлик. Ҳар бир ота ўз оиласи устуни, унинг виждони, ор-номуси қўриқчиси, она эса инсонни инсон қилиб камолга етказувчи виждон тарбиячисидир. Пок виждон, яхши тарбия бўлган жойда ёмонлик, разолат, жаҳолатга ўрин қолмайди, балки яхшилик яхшиликдан қувватланиб, меҳр муҳаббатга суяниб маънан етук, баркамол, виждонли ёшлар ҳаётига кириб келади.

**Самин РАҲИМОВ,**
**Республика "Маҳалла зиёси" ўқув услубий марказ директори, фалсафа фанлари доктори, профессор**
**Насриддин БОТИРОВ,**
**Республика "Маънавият ва маърифат" маркази масъул ходими**

---

*Жўшқин ҳаёт нафаси*

# ТИББИЁТ МУЗЕЙИ

***Халқимизда "Саломатлик – туман бойлик" деган ибратли нақл бор. Ўзининг бутун ҳаётини эл-юрт соғлигини мустаҳкамлашга бағишлаган шарафли касб эгаларининг хайрли ишлари кишилар қалбидан мангу жой олган.***

Китоб тумани марказий шифохонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан кўп йиллар халқ хизматига камарбаста бўлган инсонларнинг меҳнат фаолиятини абадийлаштириш мақсадида Қашқадарё вилоятида биринчи бўлиб тиббиёт музейи ташкил этилди.

Шифохонага кираверишда кўркам ва шинам хонада жойлашган маънавият масканида тиббиётни ривожлантиришга меҳнати сингган шифокорларнинг суратлари, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича эришилган ютуқлар акс этган кўрсаткичлар, турли хилдаги адабиётлар билан безатилган.

Беш юздан ортиқ экспонатлар қўйилган музейда умрини туман тиббиётини юксалтиришга бағишлаган марҳум Абдулла Ҳамроқулов, Номоз Нуриддинов, Александра Таполская кабиларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолиятига оид материаллар бор. Шунингдек, нафақага чиққанлигига қарамасдан ҳозирги пайтда ҳам халқ соғлиги йўлида хизмат қилиб келаётган Ибод Абдуллаев, Нуъмон Юсупов, Шоди Назаровларнинг суратлари ва иш тажрибалари билан танишиш мумкин.

Музейда бўлган киши Китобда туғилиб вояга етган, айни кунда Самарқанд Давлат тиббиёт институти профессори Маҳмуд Аҳмедов қаламига мансуб китоблар, илмий-тадқиқот ишларига доир ҳужжатлар билан танишиб билимини янада мустаҳкамлайди.

Кўм-кўк арча дарахтлари ва анвойи гуллар уфуриб турган кўркам шифохонанинг тиббиёт музейини томоша қилган ҳар бир киши хайрли ишга қўл урган ташаббускорларга миннатдорчилик билдириши, шубҳасиз.

**Н.НИШОНОВ**

---

## АДАБИЁТЛАР АЛОҚАСИ

"Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи ўқув хрестоматия дарслигини чоп этди. Республикамиздаги ўзбек мактабларининг еттинчи синфи учун рус тили бўйича яратилган бу ўқув адабиёти рус ва ўзбек адабиётлари алоқаларига доир маълумотлар билан тўлдирилган ҳолда тақдим этилди.

"Рус ва ўзбек адабиётлари алоқалари тарихидан" деб номланган тадқиқот ҳам ундан ўрин олди. Ўқувчилар "Пушкин Ўзбекистонда", "Гоголь Ўзбекистонда" деган адабий мақолалар билан ҳам танишадилар.

"Доно фикрлар оламида" рукни остида ёритилган материаллар орасида буюк Алишер Навоийнинг пурҳикмат сўзларига ҳам катта ўрин берилди.

Дарслик-хрестоматияда ўзбек адабиётини рус адабиёти билан ўзаро боғлаб ўрганишга оид яна қатор дарс намуналари ҳам бор.

---




***Жиззах вилоятида ўттиздан зиёд касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежидир. Бу ерда 546 нафар ўқувчига 48 нафар малакали мутахассис таълим-тарбия бериб, касб-ҳунар ўргатмоқда.***

# ТАДБИРКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Коллеж республикадаги Осиё Тараққиёт банки лойиҳасига кирган 45 та таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунгача коллежга ОТБ лойиҳаси кредити ҳисобидан физика, кимё, биология, астрония каби фан кабинетлари учун қарийб етмиш миллион сўмлик замонавий жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди. Бундан ташқари, енгил саноат йўналиши бўйича 86 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига Япония ва Хитой давлатлари ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган тикувчилик жиҳозлари олиб келиб ўрнатилди ва дарс жараёни ҳамда ўқув, ишлаб чиқариш амалиётлари ўқув юртининг замонавий устахоналарида ҳамда "Зилола-Текс" тикувчилик корхонасида ўтилмоқда.

Ушбу касб-ҳунар масканида ёшларни замон талаби даражасида ўқитиш ва уларга касб ўргатиш билан биргаликда қўшимча сармоя топишга алоҳида аҳамият берилаяпти. Тикувчилик, трикотаж ва пайпоқ тўқиш устахоналари зарур техник воситалар билан таъминланган. Айниқса, "ПФАФФ — ЗИНГЕР" тикув машинаси тадбиркорликда қўл келмоқда. Ўтган йили 400 комплект кўрпа-ёстиқ жилди, пайпоқ тайёрланиб, сотилди. Коллеж ва академик лицей ўқувчилари учун махсус формалар тикиш йўлга қўйилди. Қўшимча сармоя топишда пуллик курсларнинг ташкил этилиши янада қўл келаётир. Компьютер курсида шаҳар меҳнат биржаси ҳамкорлигида ногиронлар ва иккинчи мутахассисликни олувчилар ўқитилмоқда. Автоҳаваскорлар учун "В", "С" тоифали ҳайдовчилар тайёрлаш курси ташкил этилган. Шунингдек, коллеждаги "ЎзОтайўл" автомашинасидан, ошхона, ётоқхона буфетидан тушган ижара пуллари ҳам ҳисобда. Кураш, каратэ, бокс каби пуллик спорт тўгараклари ҳам ишлаб турибди.

— Бюджетдан ташқари топилган маблағлар асосан кам таъминланган ўқувчиларни моддий рағбатлантиришга сарфланаяпти, — дейди коллеж директори, фалсафа фанлари номзоди Фарҳод Маматқулов. — Шунингдек, ўқувчиларнинг соғлиқларини тиклаш учун сиҳатгоҳларга йўлланмалар ажратаяпмиз. Ўқув қўлланмалари ва бадиий адабиётлар олаяпмиз.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик, ишбилармонлик таълимда ҳам қўл келмоқда.

*Ибрат*

**Мадина ШАМШИЕВА**

---

*Офарин*

## ГАЗЧИЛАР ОЛТИН МЕДАЛ СОҲИБИ

"Жиззахгаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси Швейцариянинг Фебие олтин медал соҳиби бўлди. Улар бундай муваффақиятга коммунал соҳаларда эришган ютуқлари ҳамда газ тармоқларини қишки мавсумга намунали тайёрлаш бўйича эришишди. Бу каби ишларни интернет сайтларига жойлаштириш орқали олтин медали олишга муваффақ бўлинди.

*Газетанинг навбатдаги сони 25 феврал куни чиқади.*

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18996 Буюртма Г— 414

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.